



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil, 28-fevral. Shanba • 24 (31.927)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАР, ИЖТИМОЙ КЕЛИБ ЧИҚИШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, КАСБ ТАНЛАШИ, ТАЪЛИМ ОЛИШИ ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИ БИТИРГАЧ, АЛБАТТА, БИРИНЧИ ИШ ЖОЙИГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН АДОЛАТЛИ, ТЕНГ ВА ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН МАҚБУЛ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИЛИШИ ЗАРУР.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод
Ҳотамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастуридан

Партиянинг сайлов штабларида

тайёргарлик ишлари қизғин



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича ЎзХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятларда партиянинг сайлов штаблари фаолият юритмоқда.

Сайлов кампанияси тобора қизғин тус олиб бораётган ҳозирги шартда сайлов штабларида ҳам сайловга тайёргарлик жараёнлари қизғин паллага кирган.

— Сайлов кампанияси даврида

партиянинг сайлов билан боғлиқ бутун фаолиятини, хусусан, номзодлар, ваколатли вакиллар, кузатувчилар ва тарғибот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб боришда сайлов штабларининг алоҳида ўрни бор, — дейди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашидаги штаб раҳбари Камолбой Исабеков. — Вилоятда ташкил этилган штаблар таркибидан партиянинг сайловдаги иштирокини кучайтириш, ахборот-таҳлилий, ташвиқот-тарғибот, моддий-маънавий жиҳатдан таъминлаш, оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш ва партиянинг кенг жамоатчилик билан алоқа-

ларини кучайтириш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Улар махсус режа асосида фаолият олиб бормоқда.

Айтиш жоизки, аҳолини ЎзХДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури билан таништириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Номзоднинг вилоят сайловчилари билан учрашуви олдиндан сайловчиларга сайловолди дастури тарқатилди. Ишончли вакилларнинг туман ва шаҳар миқёсидаги сайловчилар билан учрашувларида ҳам ана шундай тарғибот воситалари тарқатилиши режалаштирилган.

Дарҳақиқат, партия кенгашларидаги сайлов штабларида Президент сайловига тайёргарлик ишлари жадал олиб бориляпти. Сайловолди иш режаси асосида сайловчилар ва электрот вакиллари билан турли учрашув ва давра суҳбатлари, мулоқотлар ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга тадбирлар ўтказилиб келиняпти. Сайловда илк бор иштирок этаётган ёшларни қамраб олиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Мақсад — сайловолди тарғиботини кучайтириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ЎзХДП ғояларини тушунтириш, партиямиздан Президентликка номзод Ҳотамжон Кетмоновни қўллаб-қувватловчилар сафини кенгайтиришдан иборат.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

29

КҮН ҚОЛДИ

Зулфия ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

Халқимизнинг севимли шоири

«Туркистон» саройида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллик юбилейига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

Халқимизнинг суюкли шоираси Зулфиянинг баҳор нафаси, табиатга, ҳаётга муҳаббат ғоялари билан лиммо-лим тўла ижоди қалбларга самимият бағишлайди. Унинг шеърлари она-табиатга, шу табарруқ тупроққа, унинг меҳнатсевар, фидойи инсонларига, мунис опаситгилларимизга чуқур эҳтиромга йўғрилгани билан ғоят қадрлидир.

«Туркистон» саройида 27 февраль куни Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Х.Ортиқбоева ва бошқалар мамлакатимизда ижод ахлига кўрсатилётган эътибор ва ғамхўрлик адабиёт, санъат, маданият ва маънавиятимизни, илм-фанни тобора равшанроқ қилиш, янги фикр ва дунёқарашга эга бўлган авлоднинг вояга етказиш, ижодкорларни янгидан-янги марралар сари руҳлантириш имконини бераётганини таъкидлади.

Зулфиянинг шеърини навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, эзгулик, юрт тақдирига дахлдорлик, инсонийлик, меҳр-садоқат, савоат, поклик ва ҳалоллик, меҳнатсеварлик ғояларида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади. Шоиранинг «Ҳаёт варақлари», «Ҳижрон кунларида», «Юрагимга яқин кишилар», «Мушоира» каби шеърининг тўпламлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Соғинч, изтироб, ҳаётга чексиз муҳаббат билан йўғрилган «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Халқимга айтар сўзларим», «Соғиниш», «Салом, тансиқ баҳор!», «Шарқнинг ўзи Она бўлган ҳаммаша» каби шеърлари адабиёт муҳлисларини гўзалликка, инсонни, ҳаётни қадрлашга ундаши билан бирга меҳр, садоқат, сабр-қаноат, матонатдан сўзлайди. Узоқ йиллар «Саодат» журналининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатган Зулфия моҳир таржимон, жамоат арбоби, журналист сифатида ҳам самарали меҳнат қилди. Камтарин, оддий, айна дамда теран маънавият соҳибаси, ўзбек зиёли аёлининг ёрқин тимсоли бўлган Зулфия қизларимиз учун чинакам ибратдир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мамлакатимизнинг энг истеъдодли қизлари адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат каби йўналишларда ушбу мукофот билан тақдирланмоқда.

2008 йилда пойтахтимизда шоира хотирасига бағишлаб маҳаббатли монумент барпо этилгани Зулфиянинг миллий адабиётимиз ривожига қўлган ҳиссаси, бетақдор ижодий мероси, самарали фаолиятининг яна бир юксак эътирофидир.

Шоиранинг «Сайланма» китоби чоп этилди. Инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима этилган шеърининг тўпламлари китобхоналар учун ўзига хос тўхта бўлди. «Зулфия замондошлари хотирасида» китобида адабиётшунослар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, мунаққидларнинг эл суйган ижодкор ҳақидаги ёрқин хотиралари, қимматли фикрлари келтирилган.

Шоиранинг «Хотирам синиқлари» достони асосида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда спектакль тайёрланди. Зулфия ижодини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида «Саодат» журнали қошида «Зулфия-хоним мактаби» тўғраги ташкил этилиб, шоиранинг ижтимоий фаолияти ҳақида ёшларга батафсил маълумот берилмоқда. Шоира ижоди акс эттирилган махсус веб-сайт ишга туширилди.

Кечада ўзбек киноижодкорлари томонидан Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишлаб тасвирга олинган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тантанали кечада Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг келини Рияз Олимжонова юртимизда адабиёт, санъат ва маданият ахлига кўрсатилётган юксак эътибор, сўз санъати раванқи йўлида фидокорона меҳнат қилган ижодкорларнинг адабий меросини ўрганиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, хотирасини эъзозлаш йўлидаги бетимсол эзгу сайё-ҳаракатлар, меҳр ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИГИЗ БОРМИ!

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАҚИДА САВОЛИМ БОР

Мамлакатимиз, халқимиз катта сиёсий воқеа арафасида турибди. Шу йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови келажакда ҳаётимиз қандай бўлишини белгилаб беради. Сайлов қандай ўтиши, номзодлар орасидан муносибни танлаш, аввало, сайловчининг сиёсий-ҳуқуқий билимига сайлов ҳақида, унинг қонуний асослари тўғрисида етарли тушуنчага эга бўлишига боғлиқ.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари қизғин олиб



борилаётган шу кунларда фуқаролардан тахририятимизга сайлов қонунчилигига оид турли саволлар келмоқда.

Саволларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП фракцияси аъзолари жавоб беради.

► Давоми 3-бетда.

СЕМИНАР

Марказий сайлов комиссиясининг «Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган семинарларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2-Андижон вилоят округ сайлов комиссияси ҳамда Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими ҳамкорликда семинар ўтказди.

Тарғибот-ташвиқот янада изчил олиб борилади

Сайловчиларнинг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш, сайлов қонунчилиги, сайлов тизими ҳақида хабардорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, экспертлари, вилоят адлия, молия бошқармалари, халқ таълими, олий таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, маънавият тарғибот маркази, нодавлат нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари, Андижон шаҳридаги участка сайлов комиссиялари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ферузахон Аҳмедова «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, халқаро стандартлар ва миллий

сайлов қонунчилиги, сайлаш ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг тутган ўрни ҳақида сўз юритди. Экспертлар сайловнинг қонунийлик, очкилик ва ошқоралигини таъминлашда ОАВ ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг роли, овоз бериш жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказиш бўйича зарур маълумотлар берди.

Икки босқичдан иборат семинарнинг дастлабки қисмида тарғибот-ташвиқот гуруҳи аъзоларининг билим ва малакалари оширилди. Энди улар белгиланган дастур доирасида ҳудудларда аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб борадилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



ЎзХДП фракцияси парламентнинг иш дастури лойиҳаси бўйича ўз таклифларини берди



«Биз Президентликка номзод Ҳотамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаймиз»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ



**ҲОТАМЖОН
АБДУРАҲМОНОВИЧ
КЕТМОНОВ**

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов 1969 йилда Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилган.

Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий, 1993 йилда Андижон давлат тиллар педагогика институтини татомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидаги 28-сонли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бош-

лаган. 1995 — 2004 йилларда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосарининг рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш;

2004 — 2013 йилларда Андижон вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозимида меҳнат қилган.

Бу даврда Ҳотамжон Кетмонов вилоятда жамоат ташкилотларини ривожлантириш, минтақанинг

ижтимоий-иқтисодий масалаларини ечишда уларнинг ролини ошириш учун зарур шароитларни яратиш бўйича амалий чораларнинг ҳаётга татбиқ қилинишида фаол иштирок этди.

Унинг бевосита иштирокида вилоятда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол ривожлантириш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқаролик бурчларини англашлари йўлидаги фаолияти самарадорлигини ошириш-

га қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда Ҳотамжон Кетмонов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўтган давр мобайнида партиянинг марказда ва жойлардаги ташкилий кадрлар салоҳиятини сезиларли даражада оширди, партия электоратини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда партия ташкилотларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари-

даги партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширди.

2014 йилда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

ДАСТУР

Мазкур дастурда, Ўзбекистон тараққийнинг бош стратегик мақсади — аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилиш, Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустақамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустақамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган миллий манфаатларга содиқлик каби эзгу мақсадлар муҷассамлашган.

Ушбу дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига асосланади. Унинг устуворликларини жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга интилиш билан белгиланади.

Биз учун асосий устувор йўналишлар, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимояси йўлида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишни қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш; пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётини эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантиришдан иборатдир.

Биз аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Хусусан, қуйидагилар тақлиф этилади:

— муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича сазй-ҳаракатларни фаоллаштириш. Улар қаторига, авваламбор, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технология тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ва ташкилотлар кириди. Ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли ҳисобланади;

— имтиёзли микрокредитларни тақдим этиш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан озод қилиш орқали уларнинг мустақил бандлигини таъминлаш ҳамда яқка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш;

— истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда, уларнинг ўрта махсус касб-хунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзаро боғлиқ бўлган комплекс ёндашувни таъминлаш;

— тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юрталарига ўрта контрактларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш;

— муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган қўшимча барқарор иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларининг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи солиққа тортиш тизимини янада мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш;

— олий ва ўрта махсус касб-хунар маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш йўналишларини аниқлашда корхоналар ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириб бориш.

Кам таъминланган оилалар манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини янада ошириш зарур. Бунинг учун қуйидагилар тақлиф этилади:

— ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдам, асосан, кам таъминланган оилалар, қариялар ва болалар учун тақсимланганини таъминлаш;

— адолат ва меҳр-оқибат, очкилик ва ошқоралик тамойилларини кенг қўллаган ҳолда, маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ўрни ва аҳамиятини доимий равишда ошириб бориш;

— ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фойзсиз ссудаларни ажратишни янада ривожлантиришни таъминлаш;

— кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, тегишли даврдаги тўланадиган маблағлар суммаси миқдорига, ўз бизнесини ташкил этиш учун мақсадли фойдаланиш шартли билан бир марталик

тўловга алмаштириш механизмни ишлаб чиқиш;

— ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш орқали уларнинг нархи ва тарифлари ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаглигини таъминлаш;

— уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, ижтимоий турар жой фондини шакллантиришга йўналтириладиган давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштиришни таъминлаш;

— тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон автоном (локал) шакллари ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштиришга эришиш;

— табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига тақдим этиладиган коммунал хизматлар нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш (газ, электр ва иссиқлик таъминоти, канализация, маиший қиқиндиқлар ва ҳ.к.).

Иқтисодий сиёсатдаги асосий устуворлигимиз бу — давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш орқали аҳолининг, авваламбор, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари турмуш даражасини янада ошириш механизмга йўналтиришдан иборатдир. Шу боис иқтисодий соҳада қуйидагилар тақлиф этилмоқда:

— хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

— тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва малакали мутахассислар учун иш ўринларини ташкил этиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

— тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, минимал даражада фойз ставкаларини белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш

орқали уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш;

— бюджет маблағларининг, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағлар мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишга имкон берадиган очиқ ва ошқора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш.

Истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплекслари иқтисодий ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашнинг муҳим омиллига айланадиган эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидагилар тақлиф этилади:

— маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарини улар томонидан ички ва ташқи бозорда рақобатбардор, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш;

— ўз ишлаб чиқариши ҳисобига ички бозорни мақбул тарзда тўлдиршига эришишга қаратилган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳудудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришда рағбатлантиришни кучайтириш.

Аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масаласи ҳам бизнинг диққат марказимиздир. Мазкур соҳада, жумладан, қуйидагилар тақлиф этилмоқда:

— аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирдамчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш;

— имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиши тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларининг ижроси устидан тизимли назорат самарадорлигини ошириш;

— фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори-дармон воситалари нархи устидан давлат назоратини кучайтириш ҳамда дори воситалари рекламасини чеклаш.

Демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадда

қуйидагилар тақлиф этилмоқда:

— қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошқора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётини изчил ривожлантиришни таъминлаш;

— доимий электорат манфаатларига алоқадор бўлган жойлардаги долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик биланшмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш бўйича чоралар кўриш;

— замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида аҳолига интерфасол давлат хизматлари ягона порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— ижтимоий шериклик институтини янада ривожлантиришни изчил таъминлаш;

— фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмлари оммабоплигини кенгайтириш ва мазкур масалаларда суд назоратини кучайтириш ҳисобига суд қарорлари ижроси сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Ташқи сиёсат фаолияти масалаларида қуйидагилар тақлиф этилмоқда:

— Ўзбекистоннинг яқин қўшниларига нисбатан очиқ ва прагматик сиёсатни юритиш, улар билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

— минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш масалалари бўйича мамлакатнинг халқаро ташаббусларини фаол илгари суришни таъминлаш;

— ташқи сиёсат фаолиятининг муҳим вазифаси Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлашда фаол ва ташаббускор иштирокини таъминлашдир. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур.

Дастурда қайд этилган устувор йўналишларни амалда рўёбга чиқариш мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ!

Президент сайлово ҳақида саволим бор...

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқот ишларини олиб боришяпти. Менга сайловолди ташвиқоти ҳақида тўлиқроқ тушунча берсангиз...

Хайрулла Йўлдошев,
Андижон вилояти,
Жалақудук тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти ишларини олиб боришяпти. Менга сайловолди ташвиқоти ҳақида тўлиқроқ тушунча берсангиз...

Хайрулла Йўлдошев,
Андижон вилояти,
Жалақудук тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти ишларини олиб боришяпти. Менга сайловолди ташвиқоти ҳақида тўлиқроқ тушунча берсангиз...

Хайрулла Йўлдошев,
Андижон вилояти,
Жалақудук тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти ишларини олиб боришяпти. Менга сайловолди ташвиқоти ҳақида тўлиқроқ тушунча берсангиз...

Хайрулла Йўлдошев,
Андижон вилояти,
Жалақудук тумани.

Хайрулла Йўлдошев,
Андижон вилояти,
Жалақудук тумани.

Мен бу йил Президент сайловида биринчи марта иштирок этаман. Сиёсий ҳуқуқимдан фойдаланиб, мамлакат раҳбарини сайлашдек масъулиятли жараёнда ўз овозим билан қатнашаман. Очиги, бундан жуда ҳаяжондаман. Сайловда илк бор иштирок этаётганим учун овоз бериш қоидалари, тартиби ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмасман. Менга шу ҳақда маълумот берсангиз...

Роҳатой Холматова,
Фарғона вилояти, Водил тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти ишларини олиб боришяпти. Менга сайловолди ташвиқоти ҳақида тўлиқроқ тушунча берсангиз...

Хайрулла Йўлдошев,
Андижон вилояти,
Жалақудук тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти ишларини олиб боришяпти. Менга сайловолди ташвиқоти ҳақида тўлиқроқ тушунча берсангиз...

Хайрулла Йўлдошев,
Андижон вилояти,
Жалақудук тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти ишларини олиб боришяпти. Менга сайловолди ташвиқоти ҳақида тўлиқроқ тушунча берсангиз...

Хайрулла Йўлдошев,
Андижон вилояти,
Жалақудук тумани.

Хайрулла Йўлдошев,
Андижон вилояти,
Жалақудук тумани.

Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари ҳам сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши мумкин экан. Лекин ишончли вакилнинг қонунда белгиланган вазифалари, вакولاتлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасман...

Лобар Ражабова,
Бухоро давлат университети талабаси.



Собитхон Турғунов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафаргача ишончли вакилга эга бўлишга ҳақли. Улар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, унинг шахси, сайловолди дастурини тарғиб қилишда қатнашади. Шунингдек, ишончли

вакиллар давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Президентликка номзоднинг тақдимномасига кўра, ишончли вакиллар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади ва уларга тегишли гувоҳномалар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишнинг асосий принциплари нималардан иборат?

Нилуфар Жўраева,
Қашқадарё вилояти, Касби тумани.



Алия Юнусова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловини ўтказишнинг асосий принциплари нималардан иборат?

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловини ўтказишнинг асосий принциплари нималардан иборат?

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловини ўтказишнинг асосий принциплари нималардан иборат?

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловини ўтказишнинг асосий принциплари нималардан иборат?

Сиз мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловини ўтказишнинг асосий принциплари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловини ўтказишнинг асосий принциплари нималардан иборат?

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2015 йил 19, 24, 26 ва 31 март кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташиқ этиладиган такрорий савдоларга таклиф этади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг куйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қайта қўйилади:

T/p	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1.	«KINDER FRUITS» МЧЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	Мева ва савзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш	16 450 897 500,0	7 269 733,26
2.	«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Хикмат кўчаси, 15-уй	Пахта целлюлозаси ва этил техник спирти ишлаб чиқариш	59 142 493 600,0	28 997 104,14
3.	«NAMANGAN QOQ'OZI» МЧЖ	Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй	Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш	3 970 500 000,0	1 802 969,76
4.	«VODIY MUZQAYMOG'I» МЧЖ	Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй	Муздаймोक ишлаб чиқариш	1 064 409 000,0	521 871,45
5.	«KOSONSOY TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истанбул кўчаси	Трикотаж ипи, жунли ва ярим жунли матолар, адделлар ишлаб чиқариш	24 500 000 000,0	11 125 238,40
6.	«NAM TEX» МЧЖ	Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-б уй	Ип-калага ишлаб чиқариш	10 787 016 789,82	4 898 291,16
7.	«NAMANGAN TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси	Ип-калага ишлаб чиқариш	62 941 505 000,0	28 228 561,11
8.	«ASIA PIPEPLAST» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Янбоб тумани, Паркент кўчаси, 327-б уй	Шиша толали қувурлар ишлаб чиқариш	45 635 559 919,47	20 013 138,70
9.	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 53-уй	Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш	42 967 000 000,0	18 842 861,40
10.	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 2-уй	Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш	24 008 000 000,0	10 528 531,58
11.	«TOSHKENT QOQ'OZI» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй	Қоғоз ва қроғз махсулотлари ишлаб чиқариш	29 198 000 000,0	12 804 567,86
12.	«KOSON TEXTILE» МЧЖ	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Мирахмедов кўчаси, 28-уй	Тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқариш	1 663 864 000,0	729 675,30
13.	«KURGAN TEX» МЧЖ	Андижон вилояти, Жалақудук тумани, Ойим қишлоғи, Мадаминов кўчаси, 46-уй	Калава ип ва мато ишлаб чиқариш	40 439 253 000,0	17 734 336,57
14.	«EASTBRICK» МЧЖ	Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Қизилтепа ҚФЙ	Ғишт ишлаб чиқариш	2 845 645 000,0	1 322 012,44
15.	«MARG'ILON BO'YOQ TEKSTIL» МЧЖ	Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Бурхониддин Марғилоний кўчаси, 400-уй	Матони оқартириш ва бўяш	7 752 752 000,0	3 399 912,29
16.	«TO'YTERA TEKSTIL» МЧЖ	Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 2-а уй	Калава ип ва газлама ишлаб чиқариш	57 710 000 000,0	25 308 295,47
17.	«ANDIJON CHARM» МЧЖ	Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Октепа кўчаси	Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм махсулотлари ишлаб чиқариш	6 003 004 740,0	2 943 226,49
18.	«SOGDIANA PIPEPLAST» МЧЖ	Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй	Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш	3 145 245 000,0	1 542 089,14
19.	«GAZALKENT STONE» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Мармар кўчаси, 1-уй	Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш	5 790 000 000,0	2 838 791,92
20.	«XUMO TO'QIMACHI» МЧЖ	Фарғона вилояти, Учқўпирк тумани, Наврўз шоҳ кўчаси, 2-уй	Ип-калага ишлаб чиқариш	10 454 271 000,0	4 747 194,17
21.	«POYTEKS» МЧЖ	Самарқанд шаҳри, Гўрўғли (соёқ Трудовой) кўчаси, 4-уй	Классик ва спорт туридаги эркаклар пайпоғи, пахта ипидан тайёрланадиган боғлам материаллари ва тиббий бинтлар ишлаб чиқариш	1 940 000 000,0	850 772,71

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Овози мухбири

Лозиза ШЕРОВА ёзиб олди.

Таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Такдим этилган ҳужжатларнинг барча вариантлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган «Marg'ilon Bo'yoq Tekstil» МЧЖ, «Eastbrick» МЧЖ, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖ, «POYTEKS» МЧЖгаги улушлар ҳисобидан нархларнинг 10 фоизи миқдорда, «To'ytera Tekstil» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳоларнинг 2 фоизи миқдорда ва «Xumo To'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдорда ҳамда қолган барча улушлар бошланғич баҳоларнинг 1 (бир) фоизи миқдордаги зақалат пулларини «Toskent universal auctions savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотечка» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда бюртномаларни қабул қилиш расмий иш кунларида, мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо ўтказиш бошлангичдан камидан уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Савдоларга такдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қavat, 307-хона (Махлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қavat, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: T.U.A.S.M.C.H.J@mail.ru

Шунингдек, «Toskent universal auctions savdo» МЧЖ томонидан 2015 йил 22 январь кунини ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, «Tashkent palace new» МЧЖ балансидаги д/р 01/265 VAA бўлган «Nexia Dons» 27 200 000 сўмга сотилганилиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

СЕМИНАР

Мамлакатимиз аҳолисини дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги тобора ортиб бораётгани яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини уюшқоқлик билан ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссияси йиғилишида мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, бу борадаги вазифалар белгилаб олинди. Унда шаҳар, туман, қишлоқ ҳудудларидаги сайлов участкалари мутасаддилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул вакиллари иштирок этди.

Семинар машғулоти Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссияси раиси Фанижон Ортиқов бошқарди.

Сайловда фуқаролар қонунчилигида белгиланган тартибда овоз беришни ташкил этиш учун барча қулайликларни яратишга алоҳида эътибор қаратаймиз, — деди у. — Хусусан, жойларда сайлов участкаларида сайловчилар учун тегишли даражада шарт-шароитлар муҳайё этилди. Шу билан бирга, аъзоларимизнинг, сайловчиларнинг сайлов қонунчилиги бўйича тушунчасини ошириш, сайловни ташкил этиш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлаш ҳам диққат-эътиборимизда турибди.

Семинарда сайловчиларни сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳусусида мунтазам хабардор қилиб бориш, бунда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар давомида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси аъзоси Шухрат Сирожиiddин, Марказий сайлов комиссияси эксперти Шухрат Рўзиназаров, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлинмаси етакчи мутахассиси Зулфия Аҳмадхўжаева, 6-Наманган округ сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Мирмуҳсин Мирзоқиров ва бошқалар сўзга чиқиб, сайлов қонунчилигида назарда тутилган меъёрлар ва уларнинг аҳамиятига доир маърузаларини тақдим этишди.


Анжуман сўнггида мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеани юксак савиёда, уюшқоқлик билан ўтказишда барча бирдек масъул экани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Сайлов қонунчилиги бўйича иштирокчиларни қизқитқан саволларга жавоб берилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, худди шундай семинар-машғулотлари энг чеكка қишлоқ ва маҳаллалардаги сайлов участкаларида ҳам давом этмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон Овози» мухбири.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Президент сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.



ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ СЕШАНБА КҮН ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВЛАРИДА «ПАХТАКОР» ВА «БУНЁДКОР» ЖАМОАЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ ЧИРОЙЛИ ҲАМКАРЛАРИ БИЛАН МУХЛИСЛАРНИ ХУРСАНД ҚИЛИШДИ. «ПАХТАКОР» ЎЗ МАЙДОНИДА «НАФТ-ТЕХРОН» (ЭРОН) ЖАМОАСИНИ 2:1 ҲИСОБИДА МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТДИ. «БУНЁДКОР» ЭСА САФАРДА «АЛ-НАСР» (САУДИЯ АРАБИСТОНИ) ЖАМОАСИ БИЛАН ДУРАНГ ҲАМКАРЛАРИНИ 1:1 ҚАРШИНИНГ «НАСАФ» ЖАМОАСИ ЭСА ЎЗ МАЙДОНИДА «ТРАКТОРСОЗИЙ» (ЭРОН) ЖАМОАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ, 2:1 ҲИСОБИДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ.

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни



Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!



ХУШХАБАР

Атоқли шоирамиз Зулфия шеърлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Шоиранинг рус, инглиз, немис, ҳинд, хитой, араб, форс ва болгар тилларига ўтирилган шеърлари аллақачон адабиёт муҳлисларини ром этган.

ЗУЛФИЯ ШЕЪРЛАРИ КОРЕЙС ТИЛИДА

Шоира таваллудининг 100 йиллиги арафасида Тошкент давлат шарқшунослик институти ташаббуси билан унинг турқум шеърлари корейс тилига таржима қилинди. Шу муносабат билан институтда ўқитувчилар, талабалар ҳамда Корейдан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида ижодий кеча бўлиб ўтди.

Зулфия шеърлари нафосатга бой, — дейди Корейнинг Ёнг Нам университети докторанти Ким Хён Нён. — Дастлаб ўқиганда шоиранинг шеърларини тушуниш осондек туюлади, ammo уни қайта-қайта ўқиш асосида янги-яни ташбеҳлар топаверасиз. Таржима жараёнида Зулфиянинг ҳеч кимга ўхшамайдиган услубини сақлашга ҳаракат қилдик. Шоира шеърлари орқали ўзбек аёлларининг садоқати, метин иродаси, нафосати, қалбини қайтадан кашф этгандек бўлдим. Бу шеърларни таржима қилиш мен учун катта сабоқ ва тажриба бўлди.

Шоиранинг энг гўзал шеърларини ўз ичига олган ушбу тўпламнинг нашрга тайёрлашида Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Жанубий Корейнинг Пукён университети магистратураларида тахсил олаётган ёш ўқитувчи Нодира Бердиқобилваннинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳожибегим НАРЗИЕВА,
ТДЖТУ журналистика
факультети
I курс талабаси.

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Илмий ҳамкорлик истиқболлари

Тошкентнинг «Лабзак» маҳалласи энг машҳур маҳаллалардан ҳисобланади. Бу масканда адабиётимизнинг Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Мамарасул Бобоев сингари кўплаб забардаст адиблари истиқомат қилишган, 20 дан орტიқ фан доктори, икки нафар академик етишиб чиққан. Тошкент давлат техника университети Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси профессори, кимё фанлари доктори Бахтиёр Мухамедғалиев ҳам шу маҳаллада туғилиб, вояга етган.



Отам Абдуқодир Мухамедғалиев Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш корхонасида бир умр уста бўлиб ишлаган, онам Мухаббатхон уй бекаси эдилар, — деб эслайди олим. — Маҳалла зиёлилари билан доимо мулоқотда бўлганлари туфайли отам бизларни ҳам илм олишга ундирдилар. Ишондан маош олган кунлари албатта унинг бир қисмига китоб сотиб олиб, ҳаммамизга тарқатардилар, биз, ака-укалар китобларни ўқиб чиқиб, ўзаро муҳоама қилардик. Ана шу муҳитда улғайдик, 12 нафар фарзанддан 10 нафаримиз олий маълумотли, 3 нафаримиз фан доктори бўлдик, бу муваффақиятларнинг ҳаммаси ота-онамизнинг бизга тўғри тарбия берганларидан деб биламан.

Бахтиёр «Лабзак»-даги 8-мактабда ўқиб юрган кезларида

кимё ўқитувчиси Кумри опа унда шу фанга меҳр ўйғотди. Мактабни тугатиб, ҳозирги Тошкент давлат техника университетида ўқиди, уни 1984 йилда имтиёзли диплом билан битиргач, Бахтиёрдаги интилишни, иқтидорни ҳолис баҳолаган профессор Абдулаҳат Жалилов уни полимерлар лабораториясида илмий ходим қилиб қолдирди.

— Номзодлик мавзуси «Ўтга чидамли полимерлар олиш» йўналиши бўлиб, шу соҳа бўйича халқаро кимёгарлар уюшмаси — IUPAC президенти, академик Виктор Кабановнинг илмий мактабида изланишларимни давом эттирдим, — дейди Бахтиёр Мухамедғалиев. — Устозим ҳамма шогирдларига жуда қаттиққўл эдилар, айниқса, мен танлаган мавзу долзарблиги жиҳатидан дунё аҳамиятига эгаллиги учун номзодликни ҳимоя қилишдан

олдин инглиз ва француз тилини мукамал ўрганишимга тўғри келган.

Ана шу тариқа Бахтиёр Мухамедғалиев 1990 йили «Ўтга чидамли полимерлар олиш» мавзуси бўйича номзодлик, 2006 йили санат чиқиндилари асосида полимер-модификатор, антипиренларни олиш йўналиши бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1992 йили Абу Райҳон Беруний номи Тошкент давлат техника университетининг Санат экологияси кафедраси катта ўқитувчиси сифатида иш бошлаган ёш олим 1997-1998 йиллари Чехия Республикасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг UNIDO кўмитасида Чехия ва Швеция олимлари раҳбарлигида «Янада тозароқ ишлаб чиқариш» («Cleaner production»)

йўналишидаги халқаро экологик дастур бўйича 9 ойлик малака ошириш курсида тахсил олди. 1984 йилдан ҳар икки йилда бир мартаба полимерлар соҳаси бўйича дунёнинг энг забардаст олимлари иштирокида «Ўтга чидамли полимерлар олиш» мавзусида халқаро илмий техник конференция ўтказилади. 2011 йилда Волгоград шаҳрида ўтказилган навбатдаги анжуманда унинг доимий иштирокчиси бўлган Бахтиёр Мухамедғалиев томонидан инглиз тилида ўқилган «Иккиламчи ресурслар асосида халқ хўжалигига яроқли экологик тоза, ўтга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш» мавзусидаги маъруза япониялик олимларни жуда қизиқтириб қўйди.

— Япониялик олимлар учун чиқиндисиз технология бош мазали ҳисобланади, — дейди Бахтиёр Мухамедғалиев. — Чунки бу мамлакатда табиий

қазилма бойликларидан кичкинагина кўмир қони бор, лекин улар шундан унумли фойдаланиб, синтез йўли билан жуда кўп истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришади.

Япониядаги «Глобал экологик муаммолар тизимини бошқариш» «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро дастури олимлари дунё бўйича шу йўналишда тадқиқотлар олиб боради. 2014 йилнинг август ойида ана шу дастур мувофиқлаштирувчиси (координатори) Ташиҳиса Узда ва унинг шогирди Акиро Узно Ўзбекистонга келиб, Орол денгизи минтақасидаги экологик фожиани ўз кўзлари билан кўрди.

— Акинава оролида табиий тозаланиб, бутун Япония аҳолисини ичимлик суви билан таъминлайдиган сув омбори бор, — деган эди шунда профессор Ташиҳиса Узда Бахтиёр Мухамедғалиевга. — Лекин кейинги пайтларда ана шу сувдан ҳам Орол денгизидан учиб келган кум ва туз чўкмалари тоғилди. Орол инкирозини тўхтатмасак, жуда катта фожиаларга олиб келади...

2015 йилнинг январь ойида Ўзбекистонлик олим Япониянинг КЕИО университети раҳбарияти ва шу университетда фаолият олиб бораётган «Global Environmental System Leaders Program (GELS)» халқаро экологик дастур координатори томонидан Токиога тақдиф қилинди.

Бахтиёр Мухамедғалиев бу ерда халқаро экологик дастур бўйича дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келиб, тахсил олаётган талабалар, малака ошириш курси мутахассислари, профессор-ўқитувчиларга «Орол денгизи минтақасидаги экологик аҳвол», «Марказий Осиёдаги экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзусида маърузалар ўқиди. «Экологик хавфсизлик», «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанларидан амалий машғулотлар ўтказди. Университетнинг «Ениш жараёнлари термодинамикаси» лабораториясида «Ениш жараёни механизми ва

термодинамикаси» фани бўйича ўтказилган амалий машғулотларда энг замонавий техника воситалари асосида ўзи ва докторантлари томонидан синтез қилинган янги антипирен ва ўтга чидамли таркибларнинг хоссаларини ўрганди.

— Маърузалар якунида бўлиб ўтган мунозараларда «Нега тарихан қисқа бир муддатда Орол денгизи шундай ҳалокатга келиб қолди?» деган савол ўртага ташланди. Мен уларга Ўзбекистон мустақид тузум даврида пахта яккаҳокимлиги туфайли йилга 2,5-3 миллион тонна хомашё етиштириш имконига эга бўлган ҳолда бу кўрсаткич икки бараварга оширилганлиги Орол фожиасини келтириб чиқарган сабаблардан бири эканлиги ҳақида ўз фикримни билдирдим, — дейди Бахтиёр Мухамедғалиев.

Япон эколог-олимлари ва мутахассислари Ўзбекистонлик олим томонидан ўқилган маърузаларни катта қизиқиш билан тингладилар, якуний мулоқотларда Япония-Ўзбекистон доирасидаги глобал экологик муаммолар, уларнинг ечимларини топиш бўйича илмий ҳамкорликларни давом эттириш, илмий, ўқув ва амалий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ўзаро келишиб олинди.

Таниқли олим ўтган давр мобайнида 20 дан орტიқ магистр ва фан номзодларини тайёрлади, унинг 400 дан орტიқ илмий иши республикамиз ва хориж мамлакатларининг нуфузли илмий-техник журналларида чоп этилди. Олим 10 дан орტიқ кашфиёт патенти соҳибиди, 4 та монография, 2 та дарслик, 12 та ўқув-услубий қўлланма муаллифидир. У Тошкент давлат техника университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ва Бердак номи Қорақалпоғистон давлат университетининг бир неча мустақил тадқиқотчи ва докторантларига илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Нурullo ТУРСУНОВ

ОБ-ҲАВО 28.02-01.03 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-5 / -10
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+5 / +10
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	0 / +5
Қашқадарь, Сурхондарё вилоятлари	+6 / +11
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	-2 / +3
Тошкент шаҳри	+5 / +10
	-3 / +2
	+5 / +10
	-3 / +2
	+5 / +10
	-1 / +1
	+8 / +10



Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+11 / +10
Париж	+10 / +12
Москва	+4 / +3
Мадрид	+16 / +19
Пекин	+8 / +12
Канберра	+31 / +21
Рим	+17 / +16
Афина	+17 / +17
Токио	+12 / +9
Стокгольм	+6 / +4
Кейптаун	+29 / +28
Қоҳира	+23 / +23
Гавана	+29 / +29
Вашингтон	-3 / +6

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ўзбекистон ХДП Қамашни туман кенгаши раиси Жуммул Жўраевага турмуш ўртоғи Шоди Тўраевнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
20926
nuxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.55
Topshirilgan vaqti — 22.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI